

Закот бериш кимларга фарз бўлади?



09:30 / 26.04.2021 2838

Фуқоҳоларимиз: «Закот муслмон, балоғатга етган, оқил, хур, махсус нисобга ва шартларга эга бўлган мол соҳибига фарз бўлади», деганлар.

Муслмон, балоғатга етган, оқил бўлиш бошқа барча исломий ибодатларнинг ҳам шартидир. Закот молиявий ибодат бўлганлиги туфайли унинг фарз бўлиши учун молга хос шарт қўшилиши табиий.

Муслмон бўлмаган одамдан закот олинмаслиги закот исломий ибодат бўлганлигидандир. Худди намоз ўқиш ва рўза тутишни муслмон бўлмаган одамдан талаб қилиб бўлмаганидек, закот беришни ҳам ундан талаб қилиб бўлмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга омил қилиб жўнатаётиб айтган кўрсатмаларида жумладан:

«Уларни энг аввал даъват қиладиган нарсанг «Лаа илааҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ» шаҳодатидир. Агар улар сенга бунда итоат қилсалар, Аллоҳ уларга бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганини билдиргин. Агар улар сенга бунда ҳам итоат қилсалар, хабар берки, Аллоҳ уларга бойларидан олиниб, камбағалларига бериладиган

садақа (закот)ни фарз қилгандир», деганлар.

Яъни, закот беришни таклиф қилиш иймонга келганларидан кейин бўлишини таъкидлаганлар.

Баъзи бир кишилар: «Ислом давлати соясида яшаётган мусулмон бўлмаган одам турли имтиёзлардан, хизматлардан, қулайликлардан, ижтимоий манфаатлардан фойдаланади, ҳатто қарилик ёки ишга яроқсизлик нафақасини ҳам олади. Нима учун у закотдан тушган маблағлар ҳам сарфланган нарсалардан фойдаланади-ю, ўзи закот бермай юриши керак?» дейишлари мумкин.

Бу саволга уламоларимиз шундай жавоб берадилар:

«Ислом давлати соясида яшаётган мусулмон бўлмаган одам «зиммий» деб аталиб, у «жизя» деб номланган тўлов тўлайди. Исломдаги бу тўловга ибодат маъносига эмас, балки ҳукумат одамлари билан мусулмон бўлмаган кишилар ўртасидаги келишув орқали олиб бориладиган муомала сифатида қаралади».

Агар «жизя»га амал қилинмаётган бўлса, давлат ундай кишиларга алоҳида солиқ солиши мумкин. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида Бани Тағлаб номли араб қабиласига нисбатан шундай қилинган.

Балоғатга етган ва оқил бўлиш шарти ҳақида, тўғрироғи, ёш бола ва мажнун кишининг молидан закот чиқариш керакми-йўқми, деган масалада уламоларимиз икки хил йўл тутганлар. Чунки гап бу ерда баданий эмас, молиявий ибодат ҳақида кетмоқда. Баданий ибодат ёш болага ҳам, мажнунга ҳам фарз бўлмаслиги маълум. Чунки улар бу нарсани идрок қила олмайдилар, моҳиятини, адо қилиш шартларини ўрнига келтира олмайдилар.

Закот эса молиявий ибодатдир. Мол ўсиб турибди, уни валий бошқариб турибди, қисқача қилиб айтилганда, молдан кўзланган мақсад ҳосил бўлмоқда. Энди закот нима бўлади?

Бу саволга Ҳанафий мазҳаби уламолари «Ёш бола ва мажнуннинг зироати ва меваларидан закот берилади, бошқа молларидан берилмайди», деганлар.

Моликий, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари эса «Уларнинг ҳамма молларидан закот берилади», деганлар.

Ҳамаср уламолардан баъзилари «Жумҳурнинг мазҳаби рожиҳ (ортиқ, устун, мақбул)», дейдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди